

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИКАЮМОВ ЗАЙНИЛАБИДДИН АБДИВОХИДОВИЧ**

**ГИЛОС УЧУН КУЧСИЗ ЎСУВЧИ ПАЙВАНДТАГЛАР ТАНЛАШ ВА  
ПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural  
sciences**

**Абдикаюмов Зайнилабиддин Абдивоҳидович**

Гилос учун кучсиз ўсувчи пайвандтаглар танлаш ва пайвандлаш  
технологиясини такомиллаштириш..... 5

**Абдикаюмов Зайнилабиддин Абдивоҳидович**

Подбор слаборослых подвоев для черешни и совершенствование  
технологии прививки..... 19

**Abdikayumov Zaynilabiddin**

Selection of weakly sprouted rootstocks sweet cherry and improvement of the  
grafting technology..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДИКАЮМОВ ЗАЙНИЛАБИДДИН АБДИВОХИДОВИЧ**

**ГИЛОС УЧУН КУЧСИЗ ЎСУВЧИ ПАЙВАНДТАГЛАР ТАНЛАШ ВА  
ПАЙВАНДЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx136 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Буриев Хасан Чутбаевич,**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Кожаметов Советбек Кожаметович**  
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

**Файзиев Жамолiddин Носирович,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил 7 феврал соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (533502-рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Тел.: 260-50-43).

Диссертация автореферати 2018 йил 22 январ куни тарқатилди.  
(2017 йил 6 декабр даги 17.3.1. рақамли реестр баённомаси).

**Б.А.Сулаймонов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик.

**Я.Х.Юлдашов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, қ.х.ф.н., доцент.

**М.М.Адилов,**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, қ.х.ф.д.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда гилос (*Cerasus avium*) етиштириш бўйича Туркия (438 минг тонна) АҚШ 284 минг тонна), Эрон (180 минг тонна) каби давлатлар етакчилик қилиб келмоқда<sup>1</sup>. Ушбу давлатларнинг барчасида гилос етиштириш кучсиз ўсувчи пайвандтаглардаги интенсив асосга тўлиқ ўтказилган. Шу боис, бизнинг шароитда кучсиз ўсувчи пайвандтаг турларининг морфо-биологик хусусиятларини тадқиқ қилиш асосида, уларни жадал кўпайтириш ва пайвандлаш технологияларини такомиллаштириш интенсив асосдаги гилос боғларини яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

Ҳозирги кунда дунё бўйича гилос етиштиришда етакчилик қилаётган қатор мамлакатлар, жумладан, АҚШ (Калифорния), Испания, Туркия, Россия, Хитой ва бошқа мамлакатларда мазкур мевали ўсимлик учун кучсиз ўсувчи пайвандтаглар кенг миқёсда татбиқ этилган. Улар орасида Махма Delbard-14, САВ 6Р, Gisela-5, ВСЛ-2, Крымский-5, Рiku-1, Colt, ЛЦ-52 каби кўплаб пайвандтаглар юқори самарали интенсив гилос боғларини барпо қилиш имконини бермоқда. Ўзбекистон тупроқ-иқлими шароитида ушбу пайвандтагларни ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятини ўрганиш, улар орасидан интенсив гилос боғларини барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи истиқболли турларини танлаш, уларни кўпайтириш ва пайвандлаш технологияларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Интенсив боғдорчилик соҳасини тубдан ривожлантириш бугунги кунда давлат аҳамиятига эга вазифа ҳисобланмоқда, хусусан ҳукуматимиз томонидан “пахта ва ғалла экилаётган паст рентабелли майдонларни йилдан-йилга қисқартириб, уларнинг ўрнига интенсив боғлар, ёнғоқзорлар ва тоқзорлар барпо этиш режалаштирилган”лиги<sup>2</sup> ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотларга асосий таянч ва туртки бўлди. Интенсив боғлар майдонини кенгайтириш ва бундай боғлар барпо қилиш учун кучсиз ўсувчи кўчатлар етказиб берувчи тизимни ташкил қилиш Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси устувор йўналишларида ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган. Бироқ, интенсив гилос боғларини барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи гилос кўчатлари бугунги кунда фақатгина хориждан келтирилмоқда. Шу боис, мамлакатимизнинг ўзида бундай кўчатларни кўпайтиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 1 июндаги ПҚ-2539-сонли «Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонининг

<sup>1</sup> <http://www.indexbox.co.uk/store/world-cherries-market-report-analysis-and-forecast-to-2020/>

<sup>2</sup> Ризк-рўзимиз бўлган қишлоқ хўжалиги ходимлари меҳнатини улуғлаш, соҳа ривожини янги bosқичга кўтариш – асосий вазифамиздир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. – Халқ сўзи, 2017 йил 17 декабрь, 248 (6942)-сон.

3.3. Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш банди ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги вазифаларни илмий жиҳатдан амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Гилос ўсимлиги учун кучсиз ўсувчи пайвандтаглари яратиш ва уларнинг жадал кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича АҚШ, Туркия, Германия, Италия, Россия, Испания, Украина ва бошқа мамлакатларда Х.М. Tademan, Е. Lynn, С. Kaiser, Н. Plock, W. Hartmann, Н.В. Tukey, А.К. Михеев, Г.В. Еремин, А.В. Проворченко каби олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Тадқиқотлар натижасида энг истиқболли ҳисобланаётган Adara (Испания), Colt (Англия), «Махма Delbard» серияси пайвандтаглари (АҚШ), САВ 6Р (Италия), «Gisela» ва «Piku» серияси пайвандтаглари (Германия), «Крымский» ва «ВСЛ» серияси пайвандтаглари (Украина) яратилиб, интенсив гилос боғлари барпо қилишга кенг татбиқ этилмоқда<sup>3</sup>.

Республикада мевали ўсимликлар пайвандтаглари ўрганиш бўйича С.А.Остроухова, Р.Д.Джураев, К.И.Байметов, Х.Б.Шаумаров, Мухаммед Батха ва С.Я.Исламов каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, республикада гилос учун кучсиз ўсувчи пайвандтаглар танлаш бўйича илмий изланишлар жуда кам ҳажмда амалга оширилган бўлиб, ушбу йўналишда кенг қамровли илмий тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети ва академик М.М.Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда гилос ишлаб чиқариш қўшимча қиймат занжири таҳлили” (2016-2017 й.й.) халқаро лойиҳаси ҳамда “Bioversity International / SDC «Заиф экотизимларда фермер хўжаликларининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва уларнинг талофатларини камайтириш учун қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғлик ва кўчат материаллари хилма-хиллигини ва улардан фойдаланиш ҳажмини ошириш” (2015–2016 й.й.) халқаро лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** гилос ўсимлигининг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари танлаш ва интенсив типдаги боғ барпо қилишга мўлжалланган кўчат етиштириш учун пайвандлаш технологиясининг самарадорлигини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

гилос пайвандтаглари коллекцияси ўсимликларини ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятларини ўрганиш асосида уларни

<sup>3</sup> asprus.ru>blog...vyrashhivanie-chereshni/, <http://www.utahhort.org/talks/2002/LynnLRV.pdf>.

ўсиш кучи бўйича гуруҳларга ажратиш;

вегетатив кўпаювчи гилос пайвандтаглари яшил қаламчаларидан кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш;

куртак пайванд қилиш муддати ва ушбу вақтдаги тупроқ намлиги даражасини пайвандуст компонентнинг тутиши ва стандарт кўчатлар чиқишига таъсирини аниқлаш;

интеркаляр (оралиқ) қўйилмалар усулда кучсиз ўсувчи гилос кўчатлари етиштириш технологиясини тадқиқ қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб олчанинг Қора шпанка, Шубинка, Любская навлари, оддий нордон олча ва камхастак олча пайвандтаглари, республикага хорижий давлатларидан интродукция қилинган Colt, САВ 6Р, Махма Delbard-14, ВСЛ-2, Крымский-5 каби пайвандтаглар, шунингдек гилоснинг Дрогана желтая нави пайвандтаглар сифатида хизмат қилди. Пайвандуст сифатида гилоснинг районлаштирилган Баҳор, Дрогана желтая ва Воловье сердце навлари танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб пайвандтагларнинг ўсиш кучи, куртак пайванд қилиш давридаги тупроқнинг намлик даражаси, пайвандтагларни кўпайтириш усуллари, оралиқ (интеркаляр) қўйилмалар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тажрибалар Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг «Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси», В.Ф.Моисейченконинг «Методика учетов и наблюдений в опытах с плодовыми и ягодными культурами», С.А. Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма»си, тажриба маълумотларига камерал ва вариацион-статистик ишлов бериш А.С.Молостов ва Б.А.Доспехов каби олимлар тавсия этган услублар бўйича ўтказилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонга гилоснинг «САВ 6Р», «Махма Delbard-14», «Colt», «Крымский-5» ва «ВСЛ-2» каби хорижий пайвандтаглар интродукцияси ва уларнинг маҳаллий тупроқ-иқлими шароитида ўсиш кучи аниқланган;

гилоснинг янги «Шубинка олчаси», «САВ 6Р», «Colt», «Крымский-5» ва «ВСЛ-2» пайвандтаглари яшил қаламчасидан кўпайтиришнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

пайвандуст куртаклар тутиш сифатининг тупроқни мақбул чегаравий нам сифимига ( $r=0,97$ ) ҳамда пайванд қилишнинг мўътадил муддатларига ( $r=0,93$ ) боғлиқлиги аниқланган;

янги пайвандтагларнинг интеркаляр (оралиқ) қўйилмасидан фойдаланган ҳолда кучсиз ўсувчи гилос кўчатлари етиштиришнинг янги усули ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гилос ўсимлиги пайвандтаглари коллекциясидан интенсив боғ барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи пайвандтаглар ажратилди;

куртак пайванд қилишда пайвандуст компонентнинг яхши тутишини таъминловчи тупроқ намлиги даражаси ва куртак пайванд қилишнинг мўътадил муддати аниқланди;

вегетатив йўл билан кўпаювчи гилос пайвандтаглари турларини яшил қаламчалаш усулида жадал кўпайтириш имконияти аниқланди;

интеркаляр (оралик) кўйилмадан фойдаланган ҳолда кучсиз ўсувчи гилос кўчатларини етиштириш технологиясини ишлаб чиқишга эришилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** дала тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий тадқиқот ҳисоботларининг муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари республика ва чет элда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги, сертификат ва дипломлар олинганлиги ҳамда ОАК рўйхатига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикада интенсив гилос боғларини барпо қилиш имконини берувчи кучсиз ўсувчи пайвандтагларнинг жорий қилиниши, куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати ва ушбу даврдаги тупроқнинг қулай намлик даражасини белгиланиши ҳамда интеркаляр (оралик) кўйилмадан фойдаланиш асосида кучсиз ўсувчи гилос кўчатларини етиштириш усули тавсифланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вегетатив йўл билан кўпая олувчи гилос пайвандтаглари турларини яшил қаламчаларидан жадал кўпайтириш технологияси ишлаб чиқилганлиги, пайвандуст компонентларининг тутиш сифатини яхшилаш учун куртак пайванд қилишнинг мақбул муддати ва ушбу даврдаги тупроқнинг қулай намлик даражаси аниқланганлиги ҳамда кучсиз ўсувчи гилос кўчатларини етиштириш учун интеркаляр (оралик) кўйилмадан фойдаланиш тартиби ишлаб чиқилганлигидан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтагларини танлаш ва пайвандлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун «Интенсив гилос боғларига шакл бериш» тавсияномаси ишлаб чиқилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 02/22-617-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома боғдорчилик фермер хўжаликларида қўлланилиши натижасида гилос боғларида анъанавий шакл бериш усулидагига нисбатан дарахтларнинг бўйини икки баробар қискартиришга эришилган;

Тошкент давлат аграр университети қошидаги қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот ва ўқув тажриба станцияси ҳамда Академик М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Фарғона тажриба станциясида «САВ 6Р», «Махма Delbard-14», «Colt», «Крымский-5» ва «ВСЛ-2» каби хорижий пайвандтагларнинг она кўчатзори барпо этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 02/22-617-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида ушбу пайвандтагларни республикамизнинг ўзида қаламча усулида кўпайтириш имкониятини яратишга эришилган;

гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтагларини яшил қаламчаларидан кўпайтириш, мақбул муддатларда куртак пайванд қилиш ҳамда интеркаляр

(оралик) кўйилмадан фойдаланиш асосида кучсиз ўсувчи гилос кўчатларини етиштириш технологиялари 2016–2017 йилларда Фарғона вилоятида 1,85 гектар, Тошкент вилоятида 2,25 гектар, жами 4,1 гектар боғдорчилик фермер хўжаликларида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 02/22-617-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида фермер хўжаликларида гилос кўчатларининг ўсиш кучини 2 мартагача қисқаришига, майдон бирлигида пайвандтаг материални етиштириш ҳажмини анъанавий усулларга нисбатан 3–5 мартагача оширишга ҳамда пайванд қилинган куртакларнинг тутиш сифатини яхшилашга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 1 та тавсиянома чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига, илмий тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Гилос (*Cerasus avium*) ва уни пайвандтагларининг морфо-биологик ҳамда хўжалик таърифи”** деб номланган биринчи бобида ишлаб чиқилган тадқиқот мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз адабий нашрлари маълумотлари шарҳланган. Жумладан, гилос пайвандтаглари ва навдор ўсимликларининг морфо-биологик ҳамда ишлаб чиқариш тавсифи, гилоснинг вегетатив йўл билан кўпаювчи пайвандтаглари турларини етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек гилос ўсимлигининг навдор кўчатларини етиштириш технологиялари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқотни ўтказиш шароити, мақсади, объекти, дастури ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олиб борилган тажриба даласининг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда алоҳида тажрибаларни ўтказиш услуги ёритилган. “Тадқиқот

мақсади, вазифаси, объектлари ва услублари” бўлимида гилос пайвандтаглари ва экув материаллари билан тажрибалар олиб боришда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига камерал ва статистик ишлов бериш тартиби, шунингдек гилос пайвандтаглари яшил қаламчасидан етиштириш усулининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш каби мезонлар баён этилган.


Диссертациянинг **“Гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари танилаш ва уларни етиштириш технологияси”** деб номланган учинчи бобда интенсив гилос боғларини барпо қилиш имконини берувчи пайвандтаглар намуналарни ажратиш ва уларни жадал кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Хусусан, ушбу бобнинг **“Гилос пайвандтаглари коллекцияси ўсимликларини ўсиш ва ривожланишининг морфо-биологик хусусиятлари”** деб номланган бўлимида гилос пайвандтаглари морфо-биологик кўрсаткичлари тадқиқ қилинган. Гилос пайвандтаглари коллекцияси ўсимликларини ўрганиш шуни кўрсатдики, вегетация даврининг энг эрта бошланиши камхастак олчада кузатилди, ушбу маҳаллий пайвандтагда дастлабки куртакларнинг ёзила бошлаши 11 март санасига тўғри келди. Colt, САВ 6Р, Махма Delbard-14, Крымский-5 ва Шубинка олчаси каби пайвандтагларда куртакларнинг энг кеч уйғониши кузатилди. Уларда куртакларнинг ёзила бошлашининг назорат вариантларига нисбатан фарқи 4–5 кунни ташкил этди.

Пайвандтаг турларида вегетация даврининг давомийлиги 228-240 кун оралиғида бўлди. Бунда энг узун вегетация даври камхастак олчада кузатилган бўлса, унинг куйи чегараси Крымский-5 пайвандтагига тегишли бўлди. Пайвандтаглар орасида вегетация давр давомийлиги бўйича фарқланиш 9–12 кун атрофида бўлди.

Ўрганилган пайвандтаг турлари асосий новдасининг ўсиш кучи бўйича ҳам фарқланди. Бунда асосий новданинг энг кучли ўсиши гилоснинг Дрогана желтая нави уруғкўчатларида қайд этилди – 107,7 см. Асосий новданинг энг кучсиз ўсиши олчанинг Шубинка ва Любская навларида, шунингдек ВСЛ-2 ва Крымский-5 пайвандтагларида қайд этилди. Вегетация якунида ушбу пайвандтагларда асосий новданинг узунлиги мос равишда 1-назорат вариантыга нисбатан 11,3 ва 10,4 см га, 2-назорат вариантыга нисбатан эса 14,4 ва 13,5 см га камроқ ўлчамда бўлди (1-расм).

Гилос пайвандтаглари новда ҳосил қилувчанлик хусусияти бўйича ҳам бир-биридан кескин фарқланди. Бунда энг кам ён новдалар сони (2 тадан) Colt ва Махма Delbard-14 пайвандтагларида қайд этилди.


Ўрганилган гилос пайвандтаглари, уларнинг морфо-биологик хусусиятлари, новда ҳосил қилувчанлик хусусияти ва новдаларининг ўсиш кучига боғлиқ равишда шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: жуда кучли ва кучли ўсувчи пайвандтаглар: Дрогана желтая, камхастак олча ва оддий нордон олча; ўртача ўсувчи пайвандтаглар: Любская олчаси, Шубинка олчаси, Қора шпанка, Махма Delbard-14, САВ 6Р; кучсиз ўсувчи пайвандтаглар: Colt, Крымский-5, ВСЛ 2.



**1-расм. Гилос пайвандагларининг асосий новдасини ўсиш кучи бўйича фарқланиши (2015–2017 йй.)**

Ўрганилган гилос пайвандагларини, уларнинг морфо-биологик хусусиятлари, новда ҳосил қилувчанлик хусусияти ва новдаларининг ўсиш кучига боғлиқ равишда шартли равишда куйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: жуда кучли ва кучли ўсувчи пайвандаглар: Дрогана желтая, камхастак олча ва оддий нордон олча; ўртача ўсувчи пайвандаглар: Любская олчаси, Шубинка олчаси, Қора шпанка, Maxma Delbard-14, САВ 6Р; кучсиз ўсувчи пайвандаглар: Colt, Крымский-5, ВСЛ 2.

“Гилоснинг вегетатив йўл билан кўпая олувчи пайвандагларини пархишлаш ва яшил қаламчалаш усулида кўпайтириш технологияси” бўлимида вегетатив кўпаяувчи гилос пайвандагларининг пархиш новда бериш хусусияти ўрганилди. Гилоснинг ВСЛ-2, Крымский-5, Шубинка олчаси, САВ 6Р каби пайвандаглари вертикал пархишлаш услубида кўпайишга мойиллигини кўрсатди, уларнинг ҳар бир она тупидан бир вегетация мавсумида ўртача 6–11 донагача илдиз олган стандарт пархиш новдалар олиш мумкин. Пархиш новдаларнинг энг кам ҳосил бўлиши Colt ва Maxma Delbard-14 пайвандаглариде кузатилди. Ушбу пайвандагларда жами пархиш новдалар сони 2–3 донадан ошмади. Қолган пайвандаг турларида эса пархиш новда ҳосил қилувчанлик хусусияти бўйича оралик, яъни ўртача натижалар кузатилди (2-расм).



**2-расм. Гилоснинг вегетатив йўл билан кўпаяувчи пайвандаглариде пархиш новдаларнинг чиқиши, дона (2014–2017 йй.)**

Гилоснинг вегетатив йўл билан кўпайиш хусусияти мавжуд бўлган пайвандтаглари яшил қаламчаларидан кўпайтиришда кўшимча илдиз тизими ҳосил бўлишини жадаллаштириш учун ўстирувчи модда ИМК (индолил мой кислотаси) сувли эритмасининг 80 мг/л концентрацияси энг мақбул ҳисобланди.

Таъкидлаш жоизки, илдиз олувчанлик ўсимликнинг бевосита биологик ва физик ҳолатига ҳам боғлиқ. Ўстирувчи модда билан ишлов берилса-да, айрим ўсимликларда регенерация жараёни юзага келмаслиги мумкин. Бу ҳолат тажрибада ўрганилган Махма Delbard-14 пайвандтагида қайд этилди. Ушбу пайвандтаг турида ўстирувчи модда билан ҳар қандай концентрацияда ишлов берилганда ҳам илдиз олиш даражасининг энг юқориги кўрсаткичи 21% дан ошмади. Ўрганилган пайвандтаглارнинг барчасида ўстирувчи модда ИМК сувли эритмасининг 80 мг/л концентрацияси қўлланилган вариантда илдиз тизимининг ялпи ҳосил бўлиши 31–37 кун оралиғида бўлди.

Гилос пайвандтаглари яшил қаламчаларида ялпи ризогенез барча пайвандтаг турларида деярли бир муддатда бошланса-да, ўсимликларнинг кейинги ўсиб ривожланишини таъминлай оладиган кучли илдиз тизими ҳамма қаламчаларда ҳам кузатилавермайди. Бу ҳолат қаламчанинг морфо-биологик хусусиятлари, яъни олинган қаламчанинг йўғонлиги, қолдирилган барг сатҳининг ўлчами, қаламчанинг узунлиги, унинг ярим ёғочлашган қисмида тўпланган мураккаб углеводларнинг миқдори, субстратда жойлашган чуқурлиги ва бошқа бир қатор омилларга боғлиқ ҳолда кескин фарқланиши мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам пайвандтаг турининг вегетатив йўл билан кўпая олиш биологик хусусияти ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бинобарин, ўстирувчи модданинг энг қулай концентрацияси билан ишлов берилган қаламчаларда илдиз ривожланишини кузатиш шуни кўрсатдики, тадқиқот олиб борилган барча йиллар мобайнида ВСЛ-2 пайвандтаги қаламчалари энг яхши илдиз олиш кўрсаткичи билан ажралиб турди (1-жадвал).

1-жадвал

**Гилос пайвандтаглари яшил қаламчаларининг илдиз олишига ИМКнинг 80 мг/л концентрацияли эритмаси билан ишлов беришнинг таъсири**

Пайвандтаг турлари	Илдиз олган қаламчалар миқдори, %			
	2015 й.	2016 й.	2017 й.	йилар бўйича ўртача
САВ 6Р	68	72	75	72
Colt	66	71	75	70
ВСЛ-2	87	85	85	86
Шубинка олчаси	73	77	76	75
Крымский-5	80	83	81	81
Махма Delbard-14	14	15	17	15
ЭКФ <sub>05</sub>	3,2	3,2	3,0	2,5
Sx, %	0,7	0,7	0,6	0,5

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, гилос пайвандтаглари яшил қаламчаларида илдиз тизимининг яхши ривожланиши ва мазкур қаламчаларда ўсув жараёнларини кечиши ВСЛ-2 пайвандтаги билан бир қаторда Крымский-5 пайвандтагида ҳам қайд этилди. Ушбу пайвандтаглар қаламчаларидан яхши

илдиз олиб, ўсиб ривожланган ўсимликлар миқдори жами ўтқазилган қаламчаларга нисбатан 81–86% ни ташкил этди. Жами ўтқазилган қаламчаларга нисбатан энг кам илдиз олган ўсимликлар миқдори Махма Delbard-14 пайвандтагида (15%) қайд этилди.

Гилоснинг вегетатив кўпаювчи пайвандтаглари ички микроклими бошқариладиган махсус иншоотда кум ва чириндининг 1:1 нисбатдаги аралашмасидан иборат сунъий субстратда яшил қаламча услубида етиштириш бир гектар майдон ҳисобига 945000 дона стандарт пайвандтаг материали олиш имконини беради. Бу эса ушбу технология ҳисобига 60 млн. 183 минг сўмгача соф фойда олиш, ишлаб чиқариш рентабеллигини эса 175,4% бўлишига эришиш имконини беради.

Диссертациянинг **“Гилос ўсимлигини пайвандлаш технологиясини такомиллаштириш”** деб номланган тўртинчи бобида гилос ўсимлигини пайвандлаш технологиясининг энг муҳим элементларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган тажриба натижалари келтирилган.

“Гилос ўсимлигини куртак пайванд қилиш давридаги тупроқ намлиги даражасини пайвандуст компонентнинг тутиш сифатига таъсири” бўлимида Тошкент вилояти шароитида гилос пайвандтаглари куртак пайванд қилишда тупроқ намлиги даражасининг пайвандуст куртакларни тутиш сифатига таъсирини аниқлаш юзасидан тажриба натижалари келтирилган.


Тупроқнинг чегаравий нам сифимини (ЧНС) 80% дан пасайтирмаслик барча пайвандтаг турларида ижобий натижалар олиш имконини берди. Фақатгина камхастак олча пайвандтаги қўлланилган вариантда тупроқ ЧНС кўрсаткичининг энг мўътадил миқдори 75% атрофида бўлди.

Тупроқ намлиги даражаси бўйича олиб борилган тажрибалар барча пайвандтагларда умумқабул қилинган намлик (70%) миқдорининг мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатди. Бинобарин тупроқнинг ушбу чегаравий нам сифимида энг паст тутувчанлик (69,5%) Colt пайвандтагида қайд этилди. ВСЛ-2 пайвандтагида эса ушбу намлик чегарасида бошқа пайвандтагларга нисбатан энг юқори тутувчанлик (72,3%) кузатилди.

Тупроқ чегаравий нам сифимининг назорат варинатига нисбатан паст бўлиши барча пайвандтагларда янада салбий ҳолатларнинг вужудга келишини кўрсатди. Бундай намлик шароитларида ўрганилган пайвандтагларда пайвандуст куртакларнинг сушт тутувчанлиги қайд этилди. Ушбу ҳолатда куртакларнинг энг кўп нобуд бўлиши ВСЛ-2 ва Крымский-5 пайвандтагларида кузатилди. Тупроқнинг чегаравий нам сифими 60% атрофида бўлганда тутган пайвандуст куртаклар сони мос равишда 54,9 ва 54,3% дан ошмади. Тупроқ чегаравий нам сифимининг 70% дан паст бўлиши бошқа пайвандтаг турларида ҳам пайвандуст куртакларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келди. Тупроқнинг чегаравий нам сифими назорат вариантыдан (70%) кам бўлган шароитларда нобуд бўлган пайвандуст куртаклар сони Colt пайвандтагида 38,7–51,6%, ВСЛ-2 пайвандтагида 36,4–45,4%, САВ 6Р пайвандтагида 37,4–50,1%, Махма Delbard-14 пайвандтагида 36,8–48,8%, Крымский-5 пайвандтагида 36,6–45,7%, маҳаллий оддий нордон олча ва камхастак олча пайвандтагларида эса мос ҳолда 39,0–47,0 ва 36,4–49,3% ни ташкил этди.

Тупроқ чегаравий нам сиғими кўрсаткичини назорат вариантдан (70%) бирқанча ошириб бориш (75% гача) пайвандуст куртакларнинг тутиб кетиш сифатида ижобий манзара акс эттирди. Жумладан, тупроқнинг чегаравий нам сиғими 75% дан камайтирилмаган ҳолда парваришланганда пайвандтаглардаги пайвандуст куртакларнинг тутувчанлиги қуйидаги кўрсаткичларда бўлди: Colt – 81,3%; ВСЛ-2 – 82,5%; САВ 6Р – 82,2%; Махма Delbard-14 – 81,7%; Крымский-5 – 82,2%, маҳаллий оддий нордон олча ва камхастак олчада мос равишда 79,8 ва 86,3%.

Тажириба натижаларидан маълум бўлдики, пайвандуст куртакларнинг энг юқори миқдорда сақланиб қолиши тупроқ чегаравий намлик сиғимининг 80% кўрсаткичида қайд этилди (2-расм).



**2-расм. Тупроқнинг қулай чегаравий нам сиғимида пайвандуст куртакларнинг тутиш сифати, % (2015–2017 йй.)**

“Ёзги пайвандлаш муддатларининг пайванд қилинган куртакларни тутиш сифатига таъсири” бўлими гилос пайвандтаглари ва наводор ўсимликлари новдаларининг камбий хужайралари фаоллигига боғлиқ равишда куртак пайванд қилиш муддатини оптималлаштириш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига бағишланган. Пайвандтаг ва пайвандуст ўсимликларида ушбу жараён кечадиган давр давомийлиги ҳамда муддатини аниқлаш асосида куртак пайванд қилиш муддатини оптималлаштириш пайванд қилинган куртакларнинг юқори даражада тутиб кетишига, кеч кузги ва қишки даврлардаги стресс шароитларда яхши сақланиб қолишига, баҳорда ушбу куртаклардан наводор ўсимликларнинг фаол ўсиб чиқишига ва пировард натижада мўл миқдордаги сифатли қўчатлар олишга имкон беради.

Куртак пайванд анъанавий бошланадиган июль ойи ўрталарида аксарият гилос пайвандтагларда камбий хужайралари фаоллиги бирмунча паст бўлади, уларнинг 8-10 балли даражага эришган энг фаол даври июль ойи охиридан бошланиб, август ойининг учинчи ўн кунлигининг бошланишигача давом этади. Эртапишар Баҳор ва ўртапишар Воловье сердце навларида эса камбий хужайраларининг юқори фаоллиги июль ойининг охириги ўн кунлиги ва август ойининг биринчи ўн кунлигида кузатилади. Бирмунча кечпишар Дрогана желтая навида ушбу муддат августнинг биринчи ва иккинчи ўн кунлигига тўғри келади.

Пайвандтаг ва пайвандуст компонентлари камбий хужайралари фаоллигининг ўзаро мос келишидан келиб чиқиб, Баҳор ва Воловье сердце навларини Colt, САВ 6Р, Махма Delbard-14, Крымский-5, Шубинка олчаси,

оддий нордон олча ва камхастак олча каби пайвандтагларга июл ойининг учинчи ўн кунлигидан август ойининг учинчи ўн кунлигигача куртак пайванд қилиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу навларни ВСЛ-2 ва Дрогана желтая пайвандтагларига куртак пайванд қилишни янада эртароқ, июль ойининг иккинчи ўн кунлигидан ҳам бошлаш мумкин.

Дрогана желтая навини куртак пайванд қилишни Colt, ВСЛ-2, Крымский-5 ва камхастак олча каби пайвандтагларда август ойининг охиригача амалга ошириш мумкин. Камбий ҳужайраларида фаоллик бирмунча эртароқ сусаядиган САВ 6Р, Махма Delbard-14 ва Шубинка олчаси пайвандтагларига куртак пайванд қилишни эртароқ, яъни август ойининг учинчи ўн кунлигигача яқунлаш мақсадга мувофиқдир.

Куртак пайванд қилиш муддати ва пайванд комбинацияларининг тўлиқ бирикиб кетиши ўртасида корреляцион боғлиқлик ( $r=0,93$ ) мавжуд. Куртак пайванд қилиш оптимал муддатларда ўтказилганда О'ЗДСТ 1192:2009 талабларига жавоб берувчи I нав кўчатларнинг чиқиш миқдори ортади.

Диссертациянинг “Интеркаляр (оралиқ) қўйилмали усулда кучсиз ўсувчи гилос кўчатларини етиштириш технологияси” бўлимида кучсиз ўсувчи гилос пайвандтаглари қаламчасидан оралиқ қўйилма сифатида фойдаланиб пайвандлаш технологияси ёритилган. Тажрибада интеркаляр қўйилма сифатида САВ 6Р, Крымский-5, Colt, Магалевка олчаси каби пайвандтаглар, шунингдек олчанинг Қора Шпанка навлари қаламчаларидан фойдаланилди.

Оралиқ (интеркаляр) қўйилмали пайвандлашни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин:

$$A+B+V=F_{и(АБВ)}$$

Бу ерда: А – маҳаллий пайвандтаг (оддий нордон олча, камхастак олча ва б.); Б – оралиқ қўйилма (клон пайвандтаглар: САВ 6Р, Крымский-5, Colt, ВСЛ-2); В – стандарт нав (Баҳор);  $F_{и(АБВ)}$  – оралиқ қўйилмали кўчат.

Тажриба ўтказиш учун ушбу пайвандтаглар (камхастак олча, оддий нордон олча, гилоснинг Дрогана желтая нави) данагидан ўстирилди. Кеч кузда пакана пайвандтаг ва маданий нав сифатида (Воловье сердце, Баҳор) пайванд қилинадиган компонентлар келтирилиб, лаборатория шароитида яхшиланган қаламча усулида бир-бирига пайванд қилинди (4-расм).



**4-расм. Интеркаляр қўйилмали пайванд қилиш техникаси:**

1) икки куртакли нав қаламчасини 10-15 см. узунликдаги интеркаляр қаламчага яхшиланган қаламча усулида пайванд қилиш; 2) нав-интеркаляр қаламча комбинациясини яхшиланган қаламча услубида уруғидан ўстирилган пайвандтагга пайванд қилиш.

Сўнгра умумқабул қилинган услубда ушбу нав-интеркаляр қаламча комбинацияси салқин бинога қумга кўмилган ҳолда стратификацияга кўйилди. Эрта баҳорда ушбу эксплант комбинациялар кўчатзорнинг биринчи даласидаги пайвандтагларга яхшиланган қаламча услубида пайванд қилинди.

Пайванд қилинган, компонентлар пайвандуст навнинг юқориги куртагига тупроқ билан кўмиб кўйилди. Бу эса учки компонент – яъни, навнинг яхши тутишини таъминлайди, пастки компонентлардан эса бачкиларнинг чиқишини кечиктиради.

Оралик (интеркаляр) кўйилмалари гилос кўчатларини йиллик ўсиш доирасида кузатиш шуни кўрсатдики, бундай кучсиз ўсувчи пайвандтаг кўйилмалари назоратга нисбатан кўчатларнинг кучсиз ўсишини таъминлади ва барча вариантларда назорат вариантларига нисбатан кичик бўйли кўчатлар шаклланиши кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Гилос кўчатларининг ўсиш кучига оралик (интеркаляр) кўйилманинг таъсири (2015–2017 йй.)**

№	Тажриба варианты	Ён новдалар сони, дона	Асосий новданинг узунлиги, см	Асосий новда узунлигининг 1-назоратга нисб. фарқи, см	Асосий новда узунлигининг 2-назоратга нисб. фарқи, см
1.	КО + Б (1-назорат)	5	76	-	+10
2.	ОНО + Б (2-назорат)	5	66	-10	-
3.	КО + ОК <sub>САВ 6Р</sub> + Б	3	42	-34	-24
	КО + ОК <sub>Крымский-5</sub> + Б	2	38	-38	-28
	КО + ОК <sub>Colt</sub> + Б	2	35	-41	-31
	КО + ОК <sub>ВСЛ-2</sub> + Б	3	41	-35	-25
	КО + ОК <sub>Кора Шпанка</sub> + Б	3	44	-32	-22
4.	ОНО + ОК <sub>САВ 6Р</sub> + Б	2	29	-47	-37
	ОНО + ОК <sub>Крымский-5</sub> + Б	2	34	-42	-32
	ОНО + ОК <sub>Colt</sub> + Б	2	32	-44	-34
	ОНО + ОК <sub>ВСЛ-2</sub> + Б	2	31	-45	-35
	ОНО + ОК <sub>Кора Шпанка</sub> + Б	2	41	-35	-25
	ОНО + ОК <sub>КО</sub> + Б	3	40	-36	-26
5.	ДЖ + ОК <sub>САВ 6Р</sub> + Б	3	35	-41	-31
	ДЖ + ОК <sub>Крымский-5</sub> + Б	2	38	-38	-28
	ДЖ + ОК <sub>Colt</sub> + Б	2	36	-40	-30
	ДЖ + ОК <sub>ВСЛ-2</sub> + Б	3	41	-35	-25
	ДЖ + ОК <sub>Кора Шпанка</sub> + Б	3	51	-25	-15
	ДЖ + ОК <sub>КО</sub> + Б	3	49	-27	-17
	ЭКФ <sub>05</sub>	0,6	0,7	-	-
	Sx,%	2,8	0,2	-	-


**Шартли белгилар:** КО – камхастак олча; ОНО – оддий нордон олча; ОК – оралик кўйилма (интеркаляр); ДЖ – Дрогана желтая; Б – маданий гилос нави (Баҳор)

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, назорат вариантларига нисбатан энг кучсиз ўсиш оддий олчага пайванд қилинган САВ 6Р, Крымский-5, Colt ва ВСЛ-2 + гилос нави комбинацияларида кузатилди. Ушбу вариантларда асосий новда узунлиги 1-назоратга нисбатан мос равишда 47, 42,

44, 45 см. га ва 2-назоратга нисбатан 37, 32, 34, 35 см. га кам бўлди. Оралиқ қўйилмали кўчатларнинг кучсиз ўсиши Colt пайвандтагидан фойдаланилганда ҳам яққол кузатилди. Бунда кўчатларнинг бўйи камхастак олчага қўйилганда назорат вариантларидан 41 ва 31 см. га, оддий нордон олчага қўйилганда 44 ва 34 см. га ва Дрогана желтаяга қўйилганда 40 ва 30 см. га фарқланди.

Тажриба вариантларида энг баланд бўйли кўчат Дрогана желтая + Қора Шпанка + нав вариантыда қайд этилди (51 см.). Ушбу пайванд комбинацияси вариантлар орасида энг баланд бўлса ҳам, назорат вариантларидан мос равишда 25 ва 15 см. га паст бўлди. Қолган барча вариантлар ушбу вариантлар ва назорат вариантлари ўртасида оралиқ ўринни эгаллади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам оралиқ қўйилма сифатида САВ 6Р пайвандтаги қўлланилган вариантлардаги кўчатлар энг кучсиз ўсиши билан ажралиб турди. Бунда супер пакана кўчат САВ 6Р пайвандтаги оралиқ қўйилмаси оддий нордон олчага пайванд қилинган комбинацияда кузатилди ва ушбу ҳолатда кўчатнинг йиллик ўсиши 30 см дан ошмади (5-расм).



**5-расм. Интеркаляр (САВ 6Р) қўйилмали бир ёшли гилос кўчатлари (йўналиш билан интеркаляр қаламча кўрсатилган)**

## ХУЛОСАЛАР

1. Гилос пайвандтаглари, уларнинг морфо-биологик хусусиятлари, новда ҳосил қилувчанлик хусусияти ва новдаларининг ўсиш кучига боғлиқ равишда шартли равишда қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

кучли ва ўртача кучли ўсувчи пайвандтаглар: Дрогана желтая, камхастак олча ва оддий нордон олча;

ўртача ўсувчи пайвандтаглар: Любская олчаси, Шубинка олчаси, Қора шпанка, Махма Delbard-14, САВ 6Р;

кучсиз ўсувчи пайвандтаглар: Colt, Крымский-5, ВСЛ 2.

2. Она кўчатзорда гилоснинг ВСЛ-2, Крымский-5, Шубинка олчаси, САВ 6Р каби пайвандтагларидан вертикал пархишлаш услубида кўпайтиришда

фойдаланиш мумкин, уларнинг ҳар бир она тупидан бир вегетация мавсумида ўртача 6–11 донагача стандарт пархиш новдалар олиш мумкин.

3. Гилоснинг вегетатив йўл билан кўпая олувчи пайвандтагларини яшил қаламчаларидан кўпайтиришда кўшимча илдиз тизими ҳосил бўлиши ва регенерация жараёнларини рағбатлантириш учун ўстирувчи модда ИМКнинг сувдаги 80 мг/л. концентрацияли эритмаси энг мўътадил ҳисобланади.

4. Гилоснинг вегетатив кўпаювчи пайвандтагларини ички микроиқлими бошқариладиган махсус иншоотда қум ва чириндининг 1:1 нисбатдаги аралашмасидан иборат сунъий субстратда яшил қаламча услубида етиштириш бир гектар майдон ҳисобига 945000 дона стандарт пайвандтаг материали олиш имконини беради. Мазкур технология ҳисобига 60 млн. 183 минг сўмгача соф фойда олиш, ишлаб чиқариш рентабеллигини эса 175,4% гача етказиш имконини беради.

5. Гилос пайвандтагларига куртак пайванд қилиш даврида тупроқнинг энг қулай чегаравий нам сифими 80% ҳисобланади. Бундай шароит таъминланганда пайванд қилинган куртакларнинг тутувчанлиги қуйидагича кўрсаткичларда бўлади: Colt – 88,1%; ВСЛ-2 – 92,3%; САВ 6Р – 87,4%; Махма Delbard-14 – 89,9%; Крымский-5 – 92,0%, маҳаллий оддий нордон олча ва камхастак олчада мос равишда 86,2 ва 81,9%.

6. Куртак пайванд қилиш давридаги тупроқнинг қулай чегаравий нам сифими ва пайванд қилишнинг мўътадил муддатлари билан пайвандуст куртакларнинг тутиш сифати ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ( $r$ ) мос равишда 0,97 ва 0,93 ни ташкил этади.

7. Гилоснинг кучсиз ўсувчи пайвандтаглари қаламчасидан оралик (интеркаляр) қўйилма сифатида фойдаланиш кучсиз ўсувчи кўчатлар олиш имконини берувчи муҳим технологик операциядир. Бундай қўйилма сифатида САВ 6Р, Крымский-5, Colt ва ВСЛ-2 пайвандтаглари қаламчаларидан фойдаланиш яхши натижа беради.

8. Гилос навларини оддий олчага пайванд қилишда интеркаляр қўйилма сифатида САВ 6Р, Крымский-5, Colt ва ВСЛ-2 пайвандтаглари қаламчаларидан фойдаланиш асосий новда узунлигини қўйилмасиз пайвандланган кўчатларга нисбатан ўртача 42–47 см. га ва камхастак олчага қўйилмасиз пайвандланган кўчатларга нисбатан эса 32–37 см. га кичик бўлишини таъминлайди.

9. Интенсив гилос боғлари барпо қилиш мақсадида кўчат етиштиришда:

кучсиз ва ўртача ўсувчи пайвандтаглар сифатида Любская олчаси, Шубинка олчаси, Махма Delbard-14, САВ 6Р, Colt, Крымский-5, ВСЛ 2 пайвандтагларини қўллаш;

куртак пайванд қилишда пайвандуст компонентнинг тутувчанлигини ошириш учун ушбу технологик операцияни августнинг биринчи ярмида ўтказиш ва бу даврда тупроқнинг чегаравий нам сифимини 80% миқдорда ушлаш;

маҳаллий пайвандтагларда кучсиз ўсувчи гилос кўчатлари етиштириш учун САВ 6Р, Colt, Крымский-5, ВСЛ 2 пайвандтагларидан оралик (интеркаляр) қўйилма сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**АБДИКАЮМОВ ЗАЙНИЛАБИДДИН АБДИВОХИДОВИЧ**

**ПОДБОР СЛАБОРОСЛЫХ ПОДВОЕВ ДЛЯ ЧЕРЕШНИ  
И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРИВИВКИ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2017.2.PhD/Qx136.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.agrar.uz](http://www.agrar.uz)) и информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный консультант:</b>	<b>Буриев Хасан Чутбаевич,</b> доктор биологических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Кожахметов Советбек Кожахметович,</b> доктор сельскохозяйственных наук <b>Файзиев Жамолиддин Носирович,</b> кандидат сельскохозяйственных наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт растениеводства</b>

Защита состоится 7 февраля 2018 года в 10<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: [tuag-info@edu.uz](mailto:tuag-info@edu.uz); Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, конференц зал).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 533502) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан 22 января 2018 года.  
(реестр протокола рассылки № 17.3/1 от 6 декабря 2017 года).

**Б.А.Сулаймонов**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н., академик.

**Я.Х.Юлдашов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.с.х.н., доцент.

**М.М.Адилов**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.с.х.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшний день в мире по производству черешни (*Cerasus avium*) лидируют такие страны как Турция (438 тыс. тонн) США (284 тыс. тонн), Иран (180 тыс. тонн)<sup>1</sup>. Во всех этих странах черешневые сады полностью переведены на интенсивную основу. Поэтому, изучение морфо-биологических особенностей роста и развития слаборослых подвоев черешни, совершенствование прививочных технологий способствуют созданию садов интенсивного типа и повышению эффективности производства.

На сегодняшний день во многих выращивающих черешню странах, в частности, США (Калифорния), Испании, Турции, России, Китае и других широко внедрены слаборослые подвои для черешни. В числе их подвои Махма Delbard-14, САВ 6Р, Gisela-5, ВСЛ-2, Крымский-5, Piku-1, Colt, ЛЦ-52, которые создают условия для создания высокоэффективных черешневых садов. Поэтому, изучение морфо-биологических особенностей роста и развития этих подвоев в почвенно-климатических условиях Узбекистана, подбор из них перспективных слаборослых образцов, способствующих созданию интенсивных садов, разработка способов интенсивного размножения и совершенствование технологии их прививки является весьма актуальным вопросом.

